



INNOVATIVE WORLD  
Ilmiy tadqiqotlar markazi

# YANGI RENESSANS

ILMIY JURNALI

2026/4



+998335668868



[www.innoworld.net](http://www.innoworld.net)

Google Scholar



zenodo





2026

**YANGI RENESSANS**

ILMIY JURNALI

3-JILD 4-SON



**YANGI RENESSANS**

ILMIY JURNALI  
TO'PLAMI

3 - JILD, 4 - SON  
2026



[www.innoworld.net](http://www.innoworld.net)

O'ZBEKISTON-2026



## **КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ**

**Жахонгир Исмаилов Баходирович**

Макроиктисодиёт ва худудий тадқиқотлар институти бош мутахассиси

**E-mail [j.ismailov@imrs.uz](mailto:j.ismailov@imrs.uz)**

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимиз кимё саноатида охириги йилларда амалга оширилган ишлар, маҳаллий хомашё базасидан ва янги технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистон стратегиясида йирик кимё-полимер кластерларини ташкил этиш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушуриш, илғор муҳандислар мактабларининг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда «Изланиш ва ривожлантириш» (R&D) марказларини ташкил этиш кўзда тутилган. Таҳлил натижаларига кўра, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, уларни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали янги имкониятларни ишга солиш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** кимё саноати, маҳаллий хомашё, инвестициалар, янги технологиялар, маҳсулотлари.

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ХИМИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**Жахонгир Исмаилов Баходирович**

Главный специалист Института макроэкономических  
и региональных исследований

**Аннотация:** В данной статье анализируются работы, проводимые в химической промышленности нашей страны за последние годы, эффективность использования местного сырья и применение новых технологий. Стратегией Нового Узбекистана предусмотрено создание крупных химико-полимерных кластеров и производств с высокой добавленной стоимостью, передовых инженерных школ, а также центров «Научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ» (НИОКР). В результате анализа предлагается запустить новые возможности за счет эффективного использования производственных мощностей, их модернизации и привлечения в производственный цикл субъектов предпринимательства.





**Ключевые слова:** химическая промышленность, местное сырье, инвестиции, новые технологии, продукция.

## **USING NEW OPPORTUNITIES IN CHEMICAL INDUSTRY ENTERPRISES**

**Jakhongir Ismailov**

Chief Specialist of the Institute of Macroeconomics and Regional Studies

**Abstract:** This study aims to analyze the work carried out in the chemical industry of our country in recent years, the efficiency of the use of local raw materials and the application of new technologies. The strategy of New Uzbekistan envisages the creation of large chemical-polymer clusters and high value-added production, establishment of advanced engineering schools, as well as “Research and Development” (R&D) centers. As a result of the analysis it is proposed to launch new opportunities through the effective use of production facilities, their modernization and the involvement of business entities in the production cycle.

**Keywords:** chemical industry, local raw materials, investments, new technologies, chemical products

**Кириш.** Ҳозирги кунда маҳаллий кимё саноати ўз ичига минерал ўғитлар, калций содаси, каустик сода, кимёвий ўсимликларни химоя қилиш воситалари, кимёвий толалар ва ишлар, пластмасса буюмлар, махсус кимёвий моддалар, шиналар ва резина буюмлари, шунингдек, асосий органик синтез ва кичик кимё маҳсулотлари каби 180 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва ўз ичига 500 дан ортиқ йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини олган саноат тармоғидир.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш - кимёвий жараёнлар ёрдамида органик ва ноорганик ҳом ашё, материалларни қайта ишлашни ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга ошириш жараёнида жамланган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон-2030” стратегиясида барқарор иқтисодий ўсиш мақсадида маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун республика кимё саноатида бўйича:



Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида **йирик кимё-полимер кластерларини ташкил этиш** ва юқори кўшилган қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш;

**илғор муҳандислар мактабларининг фаолиятини йўлга қўйиш**, йирик корхоналарда ўзларининг **касбга тайёрлаш марказларини** ташкил этиш, био-технология, маҳсулотларни қайта ишлаш каби йўналишларда **«Изланиш ва ривожлантириш» (R&D) марказларини ташкил этиш** ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукумати томонидан кимё саноатини ривожлантириш, уни модернизациялаш орқали иқтисодиётимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш, нуфузли халқаро брендларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш дастурлари тасдиқланмоқда.[2,3,4]

**Адабиётлар шарҳи.** Кимё саноати корхоналарининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, уларни ривожлантириш бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ўзларининг тадқиқотларини олиб боришган. Бу борада “Deloitte” компаниясининг “Кимё саноатига рақамли технологияларнинг таъсири” тўғрисидаги ҳисоботи[5], хорижий олимлардан кимё саноати корхоналарини инновацион ривожлантириш истиқболлари тўғрисида Е.А. Кондрашова[6], Кимё саноати ривожига инновацион технологияларнинг таъсири тўғрисида М. Ниязбердиева[7] ларнинг илмий ишларини ўрганилди.

Шу билан бирга, республика олимлари томонидан, жумладан Абдумалик Кадиоров томонидан Кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлашда илғор хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш йўллари[8] мавзусидаги, Аброр Ачилов томонидан Иқтисодийтда кимё саноатининг тутган ўрни, аҳамияти, муаммолари ва товар моддий захираларини ҳисобга олишни такомиллаштириш масалалари[9] тўғрисидаги илмий ишлари кимё саноатининг ҳолатини кенг ёритиб берилган.

**Таҳлиллар.** 1 жадвалдаги кўрсаткичлар 2025 йилнинг январь-декабрь ойлари яқунларига кўра, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 25 027,1 млрд. сўмни, жамми саноат таркибидаги улуши 3,8 %ни, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 127,3 % ни ташкил этганини кўрсатди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 12,4 млрд. сўм, 3,4%ни ва 104,1%ни ташкил этди.[10]

**1-жадвал. 2019-2024 йилларда кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси**





*Манба: Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми,*

*[https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx\\_data\\_590.xlsx](https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_590.xlsx)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сонли “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан:

тармоқда ишлаб чиқаришни янада диверсификациялашга, мамлакат минерал хомашё ресурслари захираларини тобора чуқурроқ қайта ишлашга, юқори кўшилган қийматли харидоргир сифатли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва тармоқ корхоналарида технологик хавфсизликни таъминлайдиган юқори технологияли замонавий ускуналар ва инновацион технологияларни тармоққа кенг жорий этишга йўналтирилган ягона техник сиёсатни амалга ошириш;

кимё саноати маҳсулотларининг жаҳон конъюнктураси тенденцияларини чуқур ўрганиш ва бунинг асосида жаҳон бозорларида харидоргир бўлган кимё буюмларининг хилма-хил турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш;

импорт бўйича республикага олиб келинаётган кимё маҳсулотларини таҳлил қилиш ва кимё ишлаб чиқаришларини маҳаллийлаштириш даражасини муттасил чуқурлаштириб бориш, тармоқлараро саноат кооперациясини, шу жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари билан республикамизнинг йирик корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш “Ўзкимёсаноат” АЖнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган.

Ўрганиш жараёнида кимё саноатининг янада жадал ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир неча асосий омиллар яққол кўзга ташланмоқда:

### 1. Ускуналарнинг юқори даражада эскириши.



Баъзи корхоналарда ўрнатилган технологик ускуналар ўзининг техник хусусиятлари бўйича хорижий аналоглардан сезиларли даражада паст. Унинг муҳим қисмининг хизмат қилиш муддати 40 йил ва ундан кўпни ташкил этади. .

*Таққослаш учун, АҚШ кимё саноатида ускунанинг ишлаш муддати ўртача 6 йилни ташкил қилади. Хитой ва Осиё мамлакатларида 8-10 йилни ташкил этади.*

Кимё саноати корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш даражаси 50 фоиздан, асбоб-ускуналар эса 60 фоиздан, айрим турдаги асбоб-ускуналар учун эса 80 фоиздан 100 фоизгача ташкил этади.

## **2. Маҳаллий кимё саноати ҳозирги босқичда ҳам энергия ва моддий кўп талаб қилувчи комплекс ишлаб чиқариш бўлиб қолмоқда.**

Хусусан, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархидаги таннархлар таркибини таҳлил қилиш хом ашё ва материаллар, шунингдек, барча турдаги сотиб олинган энергия учун юқори даражадаги харажатлар мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, харажатларнинг энг катта улуши хом ашё (33,3 фоиз, табиий газ хом ашё сифатида ҳисобга олинган ҳолда), ёқилғи ва энергия (15,2 фоиз), иш ва хизматлар учун тўлов (12,6 фоиз), энг кам қисми эса амортизация (7 фоиз)га тўғри келади. (6%). Шу билан биргаликда, азотли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг энергия зичлиги технологияга қараб 40 дан 70,4% гача. Ишлаб чиқариш бирлигига аммиак ишлаб чиқаришда энергия сарфи (хом ашё сифатидаги табиий газни ҳисобга олган ҳолда) “Фарғонаазот” АЖ учун 11,0 гКал, “Максам-Чирчиқ” АЖ учун 10,8 гКал, “Навоиазот” АЖ учун 17,5 гКал, замонавий ишлаб чиқаришда эса бу кўрсаткич 6,7 гкал.

Эскирган технологиялар ва жисмонан эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланиш энергия ва хомашё сарфининг ошишига олиб келади, бу эса пировардида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига таъсир қилади.

## **3. Маҳаллий кимё саноати ривожланишидаги ҳозирги кундаги номутаносибликлар.**

Бугунги кунда кимё саноати салмоқли ишлаб чиқариш, хомашё ва илмий-техник салоҳиятга эга. Саноатда банд бўлганлар сони 30 минг кишидан ортиқ. “Ўзкимёсаноат” АК корхоналарини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига кўра қуйидаги асосий ишлаб чиқариш комплексларига бўлиш мумкин:





минерал ўғитлар ишлаб чиқариш мажмуаси,

ноорганик ва органик моддалар, энергетика, олтин қазиб олиш ва кимё саноати учун кимёвий реагентлар ишлаб чиқариш мажмуаси;

ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш;

содали сув ишлаб чиқариш.

Айни пайтда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти корхоналарида 170 номдан ортиқ турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, 2025 йил якунлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий улушини агрокимёвий маҳсулотлар (минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар) – 75,5%, органик ва ноорганик кимё маҳсулотлари – 14,2%, кимёвий реагентлар ва бошқа маҳсулотлар ташкил этди. 10. 3%.

Бундан ташқари, кимё маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфини камайтириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти, республика қишлоқ хўжалигининг фосфорли ўғитларга бўлган эҳтиёжи қондирилмаяпти. Қуйидаги жадвалдан, Ўзбекистоннинг кимё саноати ва у билан боғлиқ тармоқлар маҳсулотлари импорти ҳам ушбу йўналишдаги катта захиралардан фойдаланилмаётганини кўрсатмоқда.

Масалан, 2023 йил мобайнида республикага жаъми 2 135,7 млн. долларлик кимё саноати маҳсулотлари импорт қилинган.

### **Янги имкониятларни ишга солиш бўйича хулоса ва таклифлар**

Қисқа муддатли истиқболда амалга оширилиши таклиф этиладиган чора-тадбирлар:

1. Бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар турлари номенклатурасини таҳлили натижасида маҳаллий хомашёларни қайта ишлаш орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, импорт ҳажмини сезиларли даражада камайтириш имкониятларини ишга солиш юзасидан чора тадбирлар ишлаб чиқиш.

2. Кимё саноати таркибидаги маҳаллийлаштириш даражаси юқори ва кам бўлган ишлаб чиқарувчилар орасида кооперация алоқаларини кенг йўлга қўйиш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Тармоқ корхоналарининг халқаро ярмарка ва кўрғазмаларда иштирокини кўпайтириш, янги бозорларга чиқиш, Экспортни кўллаб-қувватлаш агентлиги ёрдамида логистика харажатларини коплаш, импорт



килинадиган хом-ашё маҳсулотларига марказлаштирилган логистикани йўлга қўйиш, маҳсулотлар етказиб берувчилар билан нархларни камайтириш бўйича қўшимча ишлар олиб бориш.

4. Корхоналарда замонавий бошқарув тизимларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш тузилмаларини такомиллаштириш.

Узоқ муддатли истиқболда амалга оширилиши тақлиф этиладиган чора-тадбирлар:

1. Технологик эскирган технологиялар ва ишлаб чиқариш комплексларини модернизация қилиш, энергия ва ресурс тежамкор технологияларга инвестиция қилиш.

2. “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини танқидий кўриб чиқиш, энергия сарфи юқори булган асбоб-ускуна ва жиҳозларни тармоқдан узиш ёки модернизация қилиш юзасидан аниқ ва манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

3. Импорт ўрнини босувчи кимё саноат маҳсулотлари (минерал ўғитлардан ташқари) ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва экспортга йуналтиришни рағбатлантириш мақсадида имтиёз ва преференциялардан фойлананиш;

4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда валюта маблағларини четга чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида, ПВХ маҳсулотини юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар руйхатидан чиқариб, ички истеъмолчиларга туғридан-туғри шартномалар асосида сотишни йўлга қўйиш.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сонли “Ўзбекистон – 2030” тўғрисидаги фармони, <https://www.lex.uz/uz/docs/6600413>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 августдаги ПҚ-286 сонли “Саноат соҳасида нуфузли халқаро брендлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, <https://www.lex.uz/uz/docs/7059241>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги ПҚ-242 сонли “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятида мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш ҳамда ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, <https://www.lex.uz/uz/docs/6555068>



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2023 - 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, <https://www.lex.uz/uz/docs/6329448>
5. Отчет международной сети”Делойт” процесс внедрения цифровых технологий в химической промышленности характеризуется медленными темпами, 2017г. <https://www2.deloitte.com/kz/ru/pages/about-deloitte/press-releases/2017/chemical-report.html>
6. Перспективы инновационного развития предприятий химической промышленности, Е. А Кондрашова, 2020г. <https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-innovatsionnogo-razvitiya-predpriyatiy-himicheskoy-promyshlennosti-1>
7. Влияние инновационных технологий на развитие химической промышленности и производство, Ниязбердиева М, Международный научный журнал «Всемирный ученик» Выпуск № 20, Том 1
8. Кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг илғор хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш йўллари, Иқтисодиёт ва таълим журнали, 2022 йил 6 сон, <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/878>
9. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кимё саноатининг тутган ўрни, аҳамияти, муаммолари ва товар моддий захираларини ҳисобга олишни такомиллаштириш масалалари, Ачилов Абдор Ниятқобилович, Иқтисод ва молия журнали, 1018 йил 4-сон, <http://uzscite.uz/wp-content/uploads/2022/03/25-30.pdf>
10. Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, [https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx\\_data\\_590.xlsx](https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_590.xlsx)

